

## ШАРҚ ВА ҒАРБ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРИХИГА БИР НАЗАР ЁКИ АБУ НАСР ФАРОБИЙ ВА НИКОЛЛО МАКИАВЕЛЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**Мамаражабов Мироншоҳ Абдимумин ўғли**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил  
тадқиқотчиси*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада Ғарб ва Шарқнинг буюк мутафаккирлари — Абу Наср Фаробий ва Николло Макиавелли қарашлари қиёсий фалсафий таҳлил қилинади. Фаробий томонидан илгари сурилган фазилатли жамият, ақл, маънавият ва ахлоқ асосидаги сиёсий бошқарув тамойиллари билан Макиавелли томонидан илгари сурилган куч, реализм ва стратегик ҳукмронлик гоялари ўртасидаги тафовут ва муштаракликларга эътибор қаратилган. Шунингдек, бугунги глобллашув даврида ушбу икки оламнинг гоялари нечоғлик долзарб экани очиб берилади.*

**Калит сўзлар:** *Фаробий, Макиавелли, сиёсий фалсафа, фазилатли жамият, куч, маънавият, ғарбий реализм, шарқ тафаккури*

**Кириш.** Биз бу икки мутафаккирнинг яшаган ва фаолият юритган ижтимоий тарихий давр, дунёга келишлари, ижтимоий келиб чиқиши, ҳаёт йўли, амалий ижтимоий фаолияти, ижтимоий-фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий қарашларидаги ўхшашлик ва тафовутлар, ўз даврлари ижтимоий-мафкуравий муҳит, сиёсий бошқарув тизимлари билан кечган ихтилофли муносабатлар, алалоқибат ушбу мутафаккирларнинг жаҳон ижтимоий-фалсафаси тарихида қолдирган бебеҳо хизматлари хусусида умумий тарзда тўхталиб ўтишимизга тўғри келади. Бу масаланинг фалсафий томони шундаки, шахснинг ижобий хусусиятлари ёки бошйача айтганда фазилатлари ҳам иллатлари ҳам унинг туғилган тарихий ва ижтимоий ҳаёт, оилавий муҳит, у шаклланган ижтимоий муҳитга бевосита боғлиқ экан, албатта ҳаёт ва фаолиятлари хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш орқали қиёсий таҳлил қилишнинг белгиловчи шартларидан бўлиши керак деб ўйлаймиз.

Ал-Фаробий ва Макиавелли фалсафий мероси турли даврларда, давр ва ижтимоий муҳит ижтимоий-мафкуравий манфаатларидан келиб чиқиб турлича ёндашилган.

Шуни алоҳида эътироф этишимиз зарурки, биз меросларини тадқиқ этмоқчи бўлган мутафаккирлар илм-фаннинг турли йўналишларида жуда кўп тадқиқ этилган тарихий шахслардан ҳисобланишади. Лекин, бу ҳол улар мероси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш керак эмаслигини англатмайди. Аксинча, ҳозирги глобллашув замонида, илгариги эътироф этилган ва амалиётга тадбик

этилган қадриятларга раҳна солинаётган даврда, улар меросида аниқ исботланган назариялар амалиётда ҳам давр синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўзининг беқусур, мумтоз илмий-фалсафий, мустаҳкам эътиқодий асосга эга бўлганлиги, энг асосий жиҳати умуминсоний қадриятлардан эканлиги билан ажралиб туради.

Биз бу ўринда тарих давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб, биринчи Абу Наср Фаробийга умумий таъриф берадиган бўлсак:

Унинг тўлиқ исми шарифи – *أبو نصر محمد بن محمد فارابي* (Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуг‘ Тархон Форобий; Форобий).

Яшаган даври(замон) – ҳисоб китобларга кўра - 870 йил 14 декабрда туғилган - 950 йил 12 январда вафот этган. Ҳижрий йил ҳисоби бўйича - .....йиллар. Лекин, Википедия интернет нашрида мутафаккирнинг яшаган йилларини 873-951(77 ёш) деб кўрсатилган. Кўриниб турганидек, қанчалик кўп тадқиқот ишлари олиб борилгани, бадий асарлар яратилганига қарамасдан, мутафаккир хусусидаги асосий маълумотларда ҳам ҳали баҳсли саволлар бор. Юқорида айтиб ўтилганидек, унинг туғилган манзили атрофида ҳам баҳсли масалалар борлигини англаш мумкин.

Яшаган макон - туғилган замин – ҳозирги Қозоқстон Республикаси тарихий Фороб шаҳарчасида таваллуд топган. Лекин, форсий манбаларда ва мутафаккир асарлари тилидан хулоса қилиб ёзилган бўлиши мумкин, унинг таваллуд топган жойини Хуросон тўғрисида ҳозирги Афғонистоннинг Форёб вилояти минтақасида таваллуд топган деган иддао бор. Яъни, аслида Форобий эмас Фарёбий эканлиги айтилган.

Форсийзабон тадқиқотчилар – Эрон, Покистон, Афғонистон, Тожикистон каби илмий мактабларда Форобийни эрон-араб (форс-араб) халқларининг устози, фалсафа илмида рационализм, сиёсий-фалсафа асосчиси, кўплаб мутафаккирларнинг маънавий устози каби сифатлари эътироф этилаган.

Вафот этган жойи Дамашқ (Аббосийлар халифалиги);

Илмий ижодий фаолияти ўта ранг-баранг бўлиб, у философия, физика, мусиқа назарияси, мантик, фалакиёт илми (астрономия), тиббиёт, ахлоқшунослик (этика), сиёсатшунослик, руҳшунослик (психология), математика, табиатшунослик, аниқ ижтимоий иш (социология) ва бошқалар.

Ўрта аср Ғарб манбаларида лотинлаштирилган номи – Алфарабиус;

Дунё олимлари эътирофига кўра – Муаллимус-соний, яъни иккинчи ўқитувчи мартабасида тан олинган. Бу мақом мутафаккирга қадимги юнон тили ва фалсафаси билимдони бўлганлиги, машҳур юнон файласуфлари асарлари чуқур билгани ва уларга шарҳлар ёзганлиги сабабли берилган. Хусусан Арасту (Аристотель) асарларига шарҳлар ёзгани учун мусулмон шарқида Арастуни биринчи муаллим дейилган бўлса ал-Форобийга иккинчи муаллим мақоми берилган.

Умумий эътироф, хусусан Фалсафа илмида унинг ҳаёти ва фаолияти мусулмон Шарқи уйғониш даврига хос бўлиб, бу давр эътиқодий зуғум қобиғида илмий билимларга қаттиқ тазйиқлар бўлган даврга тўғри келган. Шунинг назардан кўплаб мутафаккир ҳаёти ва меросини тадқиқ қилган мутахассислар, Форобий илмий фаолиятини жуда аянчли ихтилофли, қаттиқ босим, мафкуравий адоват муҳитида кечганлигини эътироф этганлар. Хусусан унинг юнон классик фалсафасининг чуқур билимдони ва шарҳловчиси ўларок, ғайридин олимлар қарашлари ва илмларини ўрганганлиги ва тарғиботчиси уни кофирликда айблашганлигини айтиб ўтадилар. Бундай ҳолат мутафаккирнинг ўз асарларида ҳам ўз ифодасини топади.....

Тожикистонлик олима З.Диноршоева ўз тадқиқот ишида илмий таҳлилларга асосланиб шундай дейди: ...мутафаккирнинг мусулмон фалсафаси, эътиқодий йўналтирилган айрим тадқиқотчилар унинг фалсафий қарашларини бутунлай исломий деб баҳолаб, уни мусулмон фалсафасининг асосчиси деб билишган бўлса, бошқалари (масалан, Ғаззолий ва унинг издошлари) ўз қарашлари ва таълимотларида у бидъатчи ва муртад эканлигига ишонишган.

Николла Макиавелли Ғарб уйғониш даврида яшаб ўтганлиги ва амалий фаолият олиб борганлиги унинг ҳаётини ҳам ўта зиддиятли, қарама-қаршиликларга бой бўлганлигини кўрсатади. Бу жиҳатлар гарчи даврда қарийб 6 асрлик (аниқ айтганда 599 йил) тафоввут бўлишига қамасдан жуда ўхшашликни, яъни фалсафий тилда айтганда умумийликни кўрсатади. Оддий мантиқдан келиб чиққанда катта тафоввутлар ҳам бўлиши табиий эканлигини таъкидалаш лозим. Бундай тафоввут фалсафий тилда айтганда хусусиятлари киёсий таҳлил қилиш заруриятини таққазо қилади.

Энди буюк мутафаккир, ғарб уйғониш даврининг ёрқин вакилларида бири Никола Макиавелли хусусида маълумотлар:

Тўлиқ исми-шарифи – Николо ди Бернардо Макиавелли (италиян тилида Мачиавелли Никколло ди Бернардо).

Туғилган йили 1469 йил 3 май санасида. Вафоти 1527 йил 22 июнда.

Туғилган ва вафот этган макони – Италиянинг тарихий Флоренция шаҳри.

Тарихий хизматлари сиёсий-ҳуқуқий фалсафа тарихида республиканизм таълимоти асосчилари ва тарғиботчиларидан бўлиб, унинг таълимоти Макиавеллизм таълимоти сифатида тан олиниб тарихда қолди. Асосий асарлари – “Ҳукмдор”, “Суверен”, “Флоренция тарихи”, “Тил Ливийнинг биринчи ўн йиллиги ҳақида мулоҳазалар”

Макиавелли ҳаёти ва фаолиятини ўрганишлар асосида кўплаб мутахассислар унга, - “Флоренциялик ҳуқуқшунос”, файласуф мутафаккир, сиёсий арбоб, ёзувчи, ҳарбий-сиёсий назариялар асосчиси деган таърифлар берилган.

Мутафаккирларнинг ўхшашлик жиҳатларидан – улар иккаласи ҳам қадимги ва мумтоз юнон фалсафаси анъаналарини чуқур билган, кадрлаган, ўзларининг

кейинчалик назарияларини айнан шу ғоявий-фалсафий заминга асосланиб яратишган. Айнан шу жиҳат ҳар иккаласининг бошига кўплаб кулфатларни келтиришига қарамай ўз назарияларини асослаб илмий жасорат, ҳақиқий олим, зиёлийга хос фазилатларни намоён қилишган.

Мутафаккирларнинг ўхшашлик жиҳатларидан яна бири ва кадрли жиҳати иккалалари ҳам ўта мутаасиб диний мафкура ҳукмронлиги шароитида яшаб фаолият олиб боришган бўлсада, айнан эътиқод масаласини холисона, ёритган бўлиб, эътиқот ва сиёсат масаласини ал-Фаробий айрим насронийлар жамият ва давлатларидаги ижобий ва салбий жиҳатларни таҳлил қилган ва хулоса берган бўлса, Макиавелли ҳам мусулмон жамиятлари ва давлатчилик анъаналаридаги ижобий ва салбий жиҳатларни ёрқин мисоллар билан баҳолаган.

Макиавелли сиёсий-ҳуқуқий қарашлари жуда кўп таҳлилчилар томонидан тадқиқ қилинган. Шулардан бири француз философи Луи Альтюссерни айтиш мумкин. Альтюссер хусусан шундай дейди: "...унинг қарашларида шундай давлат тизими назарда тутилган эдики, унда қонунлар шундай қудратга эга бўлиши керакки, қонун айрим юқори лавозимли киборлар иродасидан устун бўлиши керак. Бошқача айтганда қонун шундай кучга эга бўлиши керакки, айнан унинг воситасида ҳукмдор фаолияти назорат қилиниши лозим". Унинг хулосасини изоҳлаб шуни айтиш мумкинки, Макиавелли республикачи ҳам эмас, монархия тарафдори ҳам эмас, балки, унинг қарашларида қадимги Рим ва Юнон мутафаккирларига мос тарзда, "ҳуқуқий давлат" ёки "қонун устиворлиги" тамойилларини кўриш мумкин. Зеро, инсоният мингйиллардан буён энг адаolatли жамият деб ишониб келаётган "Демократия" қадимги Юнонистон ва Румда деярли ижобий баҳо берилмаган. Аксинча демократия ижтимоий муносабатларнинг энг ёмон ва бошбошдоқликка олиб борадиган энг ёввойи шакли деб баҳоланган.

Фалсафий тафаккур инсоният тарихининг ажралмас бир қисмидир. Ҳар бир давр, ҳар бир цивилизация ўз сийосий ғойаларини, бошқарув концепсияларини ишлаб чиқиб келган. Шарқда бу ғойалар асосан ахлоқ, манавийат ва руҳий йетуклик асосида шаклланган бўлса, Ғарбда еса сийосий реализм, куч, манфаатпарастлик каби омиллар асосида ривожланган. Бу икки йондашув ўзига хос ижтимоий-сийосий муҳит ва тарихий шароитда шаклланган. Шарқ фалсафаси доирасида йетишиб чиққан буйук мутафаккир Абу Наср Фаробий ва Ғарб тафаккурининг вакили бўлмиш Николло Макиавелли қарашларини таҳлил қилиш, замонавий сийосий тафаккур учун муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади.

### **Асосий қисм**

#### **1. Фаробийнинг сийосий қарашлари**

Абу Наср Фаробий (873–950) мусулмон Шарқининг энг йирик файласуфларидан бири ҳисобланади. У йунон фалсафаси, айниқса Аристотел ва

Платон қарашларини чуқур ўрганиб, уларни исломий тафаккур билан уйғунлаштирган. Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” (Мадīнат ал-фāдилаҳ) асарида идеал жамийат тушунчасини ривожлантиради. Унга кўра, жамийат азолари билимли, марифатли, адолатли бўлиши керак. Давлат бошқарувида еса ақл, манавийат, фазилат устувор бўлиши лозим. Фаробий назарида, ҳақиқий раҳбар — бу инсоний комилликка еришган, донишманд, адолатли ва марифатли шахсдир. У бошқарувни ахлоқий масулийат деб билади ва сийосатни одил жамийат куриш воситаси сифатида талқин қилади.

## 2. Макиавеллининг сийосий реализми

Николло Макиавелли (1469–1527) — Италия Уйғониш даври вакили, сийосий реализм асосчиси сифатида танилган. У ўзининг машҳур “Ҳоким” (Ил Принсипе) асарида ҳокимийатни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун зарур бўлган амалий усулларни кўрсатиб беради. Макиавелли назарида, сийосий ҳоким ахлоқий тамойиллардан мустақил бўлиши мумкин — у куч, ҳийла, йолғон каби усуллардан фойдаланса ҳам, бу давлат манфаатидан келиб чиқиб оқланиши мумкин. Унинг фикрича, инсон табиатан йовуз, манфаатпараст ва алдовга мойил бўлгани учун ҳукмдор доимо хушйор ва қатийатли бўлиши лозим. Макиавелли учун асосий мезон — бу сийосий натижа, йани давлатнинг барқарорлиги, кучи ва обрўсидир. Шунинг учун у “мақсад воситани оқлайди” деган принципни илгари суради.

## 3. Қийосий таҳлил

Фаробий ва Макиавелли қарашлари ўртасида кескин тафовутлар мавжуд. Фаробий учун сийосат — бу ахлоқий йетуклик ва адолатга асосланган бошқарув санати бўлса, Макиавелли учун сийосат — бу куч, стратегия ва реал манфаатлар асосидаги воситадир.

Қуйидагича уларнинг қарашларини қийосий тарзда кўриш мумкин:

Фаробий:

- Фазилатли жамийатни идеал деб билади
- Ақл, манавийат ва адолат устувор
- Ҳукмдор комил, донишманд бўлиши керак
- Сийосат ахлоққа хизмат қилиши лозим

Макиавелли:

- Кучли давлатни идеал деб билади
- Фойда, натижа, куч устувор
- Ҳукмдор қатийатли ва аййор бўлиши мумкин
- Сийосат натижа учун ахлоқни четлаб ўтиши мумкин

Шу билан бирга, ҳар иккала мутафаккир ўз даврининг сийосий муаммоларига амалий йечим таклиф қилган. Фаробий илм-фан ва ахлоққа асосланган жамийатни тасвирласа, Макиавелли кучли ва барқарор давлат бошқаруви йўлини кўрсатади.

#### 4. Замонавий аҳамийати

Бугунги кунда сийосий лидерлар ва давлат раҳбарлари Фаробий ва Макиавелли йондашувларини уйғунлаштирган ҳолда сийосий қарорлар қабул қилишга мажбур. Бир томондан, халқнинг ишончи, ижтимоий адолат, манавий қадрийатлар муҳим бўлса, иккинчи томондан — халқаро сийосий босим, кучлар мувозанати, реал манфаатлар ҳам инобатга олинади. Айниқса, глобаллашув, ахборот технологийалари ва кўп қиррали таҳдидлар шароитида сийосатчилар учун манавийат ва реализм орасидаги мувозанатни сақлаш зарурати ортиб бормоқда.

Фаробийнинг фазилатга асосланган сийосати — миллий ғойа ва манавий тикланиш учун назарий асос бўла олади. Макиавеллининг реал сийосатга оид қарашлари эса — халқаро муносабатлар ва геосийосий ўйинларда муваффақийатли стратегийалар ишлаб чиқиш учун асқатади.

**Хулоса.** Фаробий ва Макиавелли — Ғарб ва Шарқ тафаккурининг икки йирик устундир. Уларнинг қарашлари бир-бирига зид бўлса-да, аслида замонавий сийосат учун муҳим назарий асос бўлиб хизмат қилади. Фаробий адолат ва марифатни, Макиавелли куч ва стратегийани асос қилиб олган. Уларнинг йондашувларини уйғунлаштириш замонавий сийосий бошқарувда мувозанатли, барқарор ва адолатли тизим йаратиш имконини беради. Бугунги сийосий жарайонлар ва мураккаб халқаро муносабатлар шароитида бу икки олимнинг қарашлари хануз долзарб бўлиб қолмоқда.

Хулоса сифатида... қуйидаги хусусиятларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

Ғарбий Европа мамлакатларида Фаробий ва Макиавелли мероси кўпроқ европацентристик парадигмага таянилган ҳолда олиб борилган бўлиб, айниқса Форобийга мумтоз Юнон фалсафаси, хусусан, машҳур юнон олимлари Афлотун, Арасту, Плотин асарларини таржимони сифатида қарашлар ҳам бўлган;

Шарқда ҳам Ғарбда ҳам Форобийни шарқ перипатизми асосчиси сифатида қараш;

Мутафаккир меросининг мусулмон Шарқи парадигмаси доирасида ёндашиб олиб борилган тадқиқотларда уни мусулмон фалсафаси асосчиси сифатида талқин қилишган;

Форобий фалсафий дунёқараши шаклланиши ва камолотидда хизмат қилган назарий асосларида асосий мақомда бўлган мумтоз юнон фалсафаси ётганлиги сабабли унинг рақиблари “имонида шубҳа борлиги”, “кофирлар, ғайридинлар фалсафаси тарғиботчиси” сифатида қоралашган;

Социалистик мафкура, шўро тузуми даврида эса унинг таълимоти коммунистик мафкура ўзанида, маркситик, материалистик, натурфилософия, метофизик таълимот сифатида талқин қилинди;

Марказий Осий республикалари илмий-фалсафий мактабларида ҳам шўро тизими даврида мутафаккир асарларида онтологияга оид қарашлари пантеистик, клерикал фалсафий қарашлар призмасида хулосалар қилинган;

Унинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашлари эса, жамиятни сайланган ҳукмдор, сайланган ҳокимлар орқали, шунингдек билимли ва тажрибали кишилар жамоаси (коллегиаллик) асосида бошқариш тўғрисидаги қарашлари тизими, социалистик жамиятга оид қарашлар тарзида талқин қилинди;

Афсуски, мустақиллик йилларида мутафаккир илмий-фалсафий мероси кўпроқ ҳиссий кайфиятлар асосида олиб борилаётганлини, кўпинча илмий ҳолисликдан четга чиқиб кетилаётганини айтиш ўринли;

Яна бир номақбул жиҳат шундаки, Фаробийнинг ва бошқа Марказий Осиёлик мутафаккирларни этник жиҳатдан “бўлишолмаслик” иллати бўлиб, бу ҳам илмда ҳам минтақа халқлари орасига совуқчилик, солади. Бундай мутаасибона иллатга илм аҳли сабабчи бўлишини қаттиқ қоралаймиз. Зеро, бу мутафаккирлар ўзларини умуминсоний қарашлари орқали аллақачон бутун инсониятга дохил эканлигини исботлаб бўлган. Албатта, бу ерда битта ижобий жиҳатни топиш мумкин, бу ҳар бир миллат ал-Фаробийдек, Николла Макиавеллидек миллатдоши, ватандоши бўлишидан, шундай даҳо мутафаккирларнинг меросхўри бўлишликдан фахрланишга интилишини олқишлаш мумкин.

Аксарият ҳолларда мутафаккир меросига илоҳиёт призмасида талқин устиворлигини кўриш мумкин;

Фаробий ўз замонида диний мутаасиблик тазйиқига дучор бўлгани каби, унинг мероси тадқиқи ва тарғиботида илоҳий талқин ва эмоционал бирёқламаликдан воз кечиб, соф илмий-объективлик тамойилига, соф илмий ўзанга олиб кириш керак деб ҳисоблаймиз...

Агар Николла Макиавелли ижтимоий-фалсафий, сиёсий қарашлари хусусида унинг республикачилика оид қарашлари, гарчи, Ғарбий Европа, умуман ғарб фалсафаси юнон-рум фалсафаси заминида пайдо бўлган бўлсада ўта мутаасиб диний муҳит тарафдорлари унинг соф илмий-амалий қарашларини, насронийлик қадриятларига итоат қилмаганликда айблашган. Ваҳоланки, унинг сиёсий-фалсафий асарларида, хусусан машҳур “Ҳукмдор” ва “Тил Ливийнинг биринчи ўн йиллиги ҳақида мулоҳазалар” асарларида дарҳақиқат, республикачилик ғояларининг асосан қадимги Румдаги каби мумтоз қарашлар, эътиборлиси Римда ўрнатилган Республика анъаналари андазаси бўйича бўлишлигига ишора ва аниқ тавсиялар борлиги эътироф этиш лозим ва зарур деб ҳисоблаймиз...

**Фойдаланилган адабийотлар**

1. Фаробий, “Фозил одамлар шахри”, Тошкент, 1993.
2. Макиавелли Н., “Ҳоким” (Ил Принсипе), Тошкент, 2002.
3. Ғайбуллаев М. “Шарқ сийосий тафаккури тарихидан”, ТДШУ, 2019.
4. Қодиров Ф. “Фалсафа ва сийосат: уйғунлик масаласи”, Шарқ йулдузи, 2020.
5. Закарийа М. “Политисал Философй фром Плато то Мао”, Роутледге, 2015.
6. Ҳолйоак Ж. “Етҳисс анд Политисс ин Ансиент Тҳоугҳт”, Самбридге Университй Пресс, 2018.
7. Ал-фараби анд тҳе Фоундатион оф Исламис Политисал Философй, Солумбиа Университй Пресс, 2001.
8. Скиннер Қ. “Тҳе Фоундатионс оф Модерн Политисал Тҳоугҳт”, Самбридге, 978.